

Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасида бошланғич нархни пасайтириш юзасидан жойлаштирилган  
эълон натижалари бўйича махсулот етказиб бериш тўғрисидаги  
2022 йил 20 апрелдаги лот №22110012072648 га асосан 4-1-сонли контракт

Оқдарё тумани  
(контракт тузилган жой)

«29» апрел 2022 й.  
(контракт тузилган сана)

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Оқдарё туман ҳокимлиги номидан узининг низоми асосида фаолият олиб боровчи раҳбар Ш.А.Қудратов бир томондан ва бундан буён “БАЖАРУВЧИ” деб аталувчи “Янгиқургон Кристалл” МЧЖ номидан узининг низоми асосида фаолият олиб боровчи Н.Бозоров томондан, ушбу контрактни қуйидаги тўғрисида туздилар.

### 1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур контракт бўйича “Буюртмачи” товар(иш, хизмат)ларни қабул қилиш ва тўлаш, “Бажарувчи” эса буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги товар махсулотларни етказиб бериш мажбуриятини олади:

№	Товар (иш, хизмат)нинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Услуги по организации и проведению торжественного мероприятия	хизмат	1	10 362 000	10 362 000
	Жами (ҚҚС сиз)				10 362 000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси 10 362 000 (Ўн миллион уч юз олтиш икки минг) сўмни ташкил қилади (ҚҚС сиз).

1.3. Махсулотни етказиб бериш ва топшириш муддати: Бошланиши: “29” апрел 2022 й. Тугаши: “02” май 2022 й.

Батафсил баёни

1	5 ташаббус тадбири доирасида мини-футбол бўйича ДХХ Раиси кубоги совриндорларини тақдирлаш у-н совгалар харид қилиш
2	
3	
...	

Алоҳида шартлар

1	Танлов шартларидаги иловага асосан совгалар руйхати бўйича махсулотни етказиб бериш лозим
2	
3	
...	

### 2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30 % микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 7 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

2.2. Контракт нархи жойлаштирилган эълон натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, контрактга қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар якунлангандан кейин “Бажарувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 15 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки махсулотни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Бажарувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликликларни баргараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

### 3. КОНТРАКТНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур контракт белгиланган тартибда контракт талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Контракт шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки контракт шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Пудрат ишлари бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.



#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

##### 4.1. Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;
- савдолар ғолиби бўлган пудратчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Бажарилган ишларни танлаб олмастик, шунингдек бажарувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни ишларни бажарганда, ишларни қабул қилиб олишни асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи пудратчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, пудратчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) ишлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида ишлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи пудратчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

##### 4.4. Бажарувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги;
- сифат, техник параметрлар ва таклиф этилаётган ишларни бажариш муддатлари пудратчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказилган товар иш, хизматлар сифати стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи товар иш, хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, бажарувчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарилганлик учун жарима етказиб бажарувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Етказиб бериш ишлари муддати ўтказиб юборилган ёки бажарилмаган ҳолларда Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси бажарилмаган пудрат ишлари қийматининг 50 фоизидан ошишига йўл қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни контрактни тегишли тарзда бажариш ва пудрат ишларини бажариш муддатини ўтказиб юборилиши ёки бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

#### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

#### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

#### 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириди ва 2022 й. “31” декабр гача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар



8.2. Контракнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контракнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Бажарувчи
Ташкилот номи : NAZAROVA BAHORA 001 MCHJ
Манзил: Samarqand viloyati, Oqdaryo tumani Авазали МФЙ
Телефон: (+998) 99-965-43-27
Факс: _____
СТИР коди: 309365568
ОКЕД: 85530
Х/Р; 20208000705503165001
Банк номи: АТБ INVEST FINANCE BANK Самарқанд Ф.
МФО: 01133
Рахбар (директор): Э. Саидов М.У. (имзо)
АГЕНТ:

Буюртмачи
Ташкилот номи: Оқдарё туман ҳокимлиги
Манзил: Оқдарё т. Лойиш ш А.Темур кучаси 37-уй
Тел.: 66 492-52-01
Факс: _____
СТИР коди: 201801230
ОКОНХ: 97600
Ғазна шхр: 305022860182037109601018001
Ғазначилик бўлинмаси номи: Оқдарё туман
Ягона Ғазначилик х/р (ЯҒХ): 23402000300100001010
Банкнинг номи: Мар-й банк Тошкент шаҳар бош
бошқармаси ХККМ
Банк МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919
Рахбар (директор): Ш.А.Кудратов М.У. (имзо)

Ҳуқуқшунос

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси

« 29 » 06 2008 й ҚК 008245

Э. Саидов